

Қуръони Карим хатмонасига марҳабо!



02:04 / 25.10.2022 1967

Азиз мухлислар, жорий йилнинг **26 октябрь куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф»** жомеъ масжидида «**Дунё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ёруғдир**» шиори остида сийрат хатмонаси ўтказилади. Сийрат хатмонасидан аввал, аниқроғи аср намозидан сўнг Қуръони Карим хатм қилинади. Ушбу хатмда юртимиз қорилари ташриф буюриб, Қуръонни жамоавий тарзда хатм қилиб берадилар. Иштирок этишни истаган қориларимиз ҳам ушбу хатмда қатнашишлари мумкин.

Қуръони Карим хатмидан сўнг шом намози адо этилиб, сийрат хатмонаси тадбири бошланади.

Барчани ушбу қўшалок хатмонага таклиф этамиз!